“НАРКОМПРОС ИШИ” БИЛАН БОҒЛИҚ ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

С.А.ХОШИМОВ

В статье рассматривается деятелность группы «Ғайратлилар», организованной в 1929 году в городе Самарканде.

The article deals with the activities of the members of the group called “G’ayratlilar” (Courageous people) formed in 1929 in Samarqand.

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилиб, Туркистон мухторияти ағдарилгач, миллий тараққийпарвар кучларнинг аксарияти ўлкада бошланган қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчиларини ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлини танлади. Бироқ бу ҳаракат қатнашчиларининг тиш-тирноғигача қуролланган Қизил армия кучларига бас келиши маҳол эди: ҳаракат етакчилари бирин-кетин мағлуб бўла бошлагач, маҳаллий зиёлилар, юртимизнинг илғор тарққийпарвар кучлари энди ўз фаолиятини яширин давом эттиришга қарор қилдилар. Большевикларнинг маҳаллийлаштириш сиёсатидан фойдаланиб, зиёлилар маҳаллий совет органларига жойлаша бошладилар. Натижада совет ҳокимиятининг турли бўғинларида ерли миллат вакилларининг сони ортиб борди. Курашнинг янги усулларига ўтилди. Шундай усуллардан бири маслакдош бўлган зиёлиларнинг “гап” (навбатма-навбат меҳмондорчилик уюштириш)ларда тўпланиши ва бирор мақсадли ишни амалга ошириши эди. Совет ҳокимиятига мухолифатда бўлган миллий зиёлиларнинг яширин ташкилотларидан бири 1929-1930 йилларда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон ССР Халқ Маорифи Комиссариати ходимларининг бир гуруҳи томонидан ташкил этилган “Ғайратлилар” гуруҳи эди [1.24]. Ташкилот совет мустамлакачилик сиёсатига қарши курашиб, Ўзбекистонни буржуа-демократик республикаси сифатида мустақилликка эришишини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бу мақсадга миллий ватанпарварлик руҳдаги кадрларни тайёрлаб, ҳокимият тизимидаги лавозимларни эгаллаш, керак бўлса, Ўзбекистонни хорижда тарғиб ва ташвиқ қилиш орқали дунёга яхшироқ танитиб, совет ҳокимиятининг мустамлакачилик режимини фош этиб, хориждан кўмак олиш орқали эришиш кўзда тутилган.

“Ғайратлилар” гуруҳи ўз таркибига миллий зиёлиларнинг кўзга кўринган вакилларини, аксарият ўқитувчи ва талабаларни жалб қилган. Шунингдек, гуруҳ сафига совет ҳокимиятининг раҳбарлик лавозимларида ишлаган, бироқ 1929-1930 йиллардаги тозалашлар жараёнида “ёт унсур” сифатида партиядан ўчирилган, катта тажриба ва салоҳиятга эга, совет тузумининг кирдикорларини яхши тушуниб етган маҳаллий миллат вакилларидан иборат кадрлар ҳамда бир гуруҳ ижодкорлар ҳам кирган.

“Ғайратлилар” гуруҳи ташкил топган 1929 йил март ойида унинг таркибига қуйидагилар аъзо бўлиб кирган: Боту - Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссари (МХК) ўринбосари, ташкилот раиси; Боис Қориев (Олтой) - МХК давлат илмий кенгаши президиуми раиси ўринбосари; Шокирбеков - МХК инспекторлар бўлими бошлиғи; Қодир Собиров - МХК кадрлар бўлими бошлиғи; Салимий - МХК сиёсий оқартув бўлим бошлиғи муовини; Назирулла Иноятов - МХК ходими; Ғуломов - катта ер эгасининг фарзанди, миллатчиликда айбланиб партиядан ўчирилган, Боту томонидан МХК санъат бўлими бошлиғи ўринбосари қилиб ишга қайтарилган; Ҳамракулов - Андижон педагогика техникуми бошлиғи; Носир Саидов - МХК режа бўлими бошлиғи; Элбек - машҳур шоир, МХК Тилшунослик бўлими бошлиғи ўринбосари; яна шоирлардан Фитрат ва Чўлпон; Саттор Нурмуҳаммедов - “Шарқ” мактаби мудири, ўтмишда “Ўлим иттифоқи” ташкилотини тузган (бу ташкилот 1928 йилда фаолият юритган ГПУ ходимлари томонидан фош этилган), Тошкентда истиқомат қилган; Мухиддинжонқори Раҳимов - Тошкент шаҳридаги Округ педагогика техникуми директори; Хожиумар Юнусов - Тошкентлик ўқитувчи[1.28-33].

Секин-аста ташкилот аъзоларининг сафи кенгайиб, унинг таркибига Юсуф Алиев, Парпихўжа, Абдулла Алавий, Назирқулов, Маъруф Расулий, Наим Саидий, Абдусалом Ниёзий, Собир Қодирий, Носир Саидов, Ваҳоб Илҳом, Собиржон Содиқий, Гулмуҳаммедов, Яшин, Тўхта Назар, Қаюмхўжа Алиев, Лутфулла Алавий, Назир Қулжабборов, Абдулҳай Мунассибов, Зубар Насурилло каби ўқитувчи, талаба ва шоирлар жалб қилинади [1.28-33].

Юқорида қайд этганимиздек, “Ғайратлилар” ўз фаолиятини “гап”лар орқали олиб борган. “Гап”-

лар ҳафтада бир маротаба ташкилланган. Доимий раис Боту бўлган, аҳён-аҳёнда раислик вазифасини Собир Қодиров ҳам бажариб турган. Ташкилот 1929 йил март-июнь ойлари оралиғида тўлиқ шаклланган. Гапларда ҳаракат дастури йўналишлари бевосита муҳокама қилиб борилган. Бироқ дастурлар ёзма шаклда сақланмаган: йиғилишларда котиб бўлмаган, ҳаракат дастурини ташкилотнинг ҳамма аъзолари ёддан билишган. Бу ҳақда Олтой сўроқ пайти ГПУ ходимларига бундай кўрсатма берган: “Бизнинг гапларимизда алоҳида кун тартиби бўлмаган, ҳар ким қандай мавзуда гапиришни хоҳласа, ўша мавзуда гапирган. Йиғилиш котиби бўлмаган, биз билдирилган фикрларни қайд қилиб бормаганмиз, бунга ҳожат йўқ эди... Гаплардан ташқари, ташкилот масалалари 3-4 киши (Боту, Собир Қодиров, Шокирбеков, Носир Саидовлар) иштирокида муҳокама қилинган, бунда биз ё гапдан сўнг қолардик, ё Нарком кабинетида йиғилардик, ё гап вақтида ўзимиз қолишга ҳаракат қилардик” [1.34].

“Ғайратлилар” гуруҳининг ҳаракат дастурида қуйидаги вазифалар қўйилган эди:

- ташкилот атрофига миллий ватанпарварлик руҳидаги кишиларни жипслаштириб, Ўзбекистонни буржуа-демократик республикаси сифатида мустақилликка эришишини таъминлаш учун курашиш;

- мактаблар, техникумлар ва олий ўқув юртларига тингловчиларни ижтимоий келиб чиқишини ҳисобга олмай қабул қилиш, ёшларни миллатпарварлик руҳида, Ўзбекистонни мустақиллиги учун курашишга, хизмат қилишга қодир қилиб тарбиялаш;

- Ўзбекистоннинг мустақиллигига эришиши учун кадрларни тайёрлашни кучайтириш билан бирга уни хорижий давлатларга таништириш, тарғиб ва ташвиқ қилиш, бунинг учун хорижий ҳамда маҳаллий матбуот нашрларидан унумли фойдаланиш;

- ҳокимиятни ўз қўлига олиш учун, уни ҳимоя қилиш учун маҳаллий ёшларни ҳарбий мактабларга кўпроқ жойлаштириб, махсус ҳарбий билим олишларига эришиш [1.36-38].

Ташкилот ва унинг фаолият кўламини яхшироқ тасаввур этиш учун қуйида ОГПУ “Тройкаси”нинг 1930 йил 15 июлдан 1 августга қадар ташкилот қатнашчилари устидан ўтказган тергов жараёнида Олтойнинг берган жавобини келтирамиз:

“Бизнинг “Ғайратлилар” ташкилотимиз ўзининг сиёсий тузилмасига кўра советларга қарши ва аксилинқилобий ташкилотдир. Шу боис уни партия ичидаги Троцкийчилар, ўнглар ёки Ўзбекистон шароитидаги Иноғомовчиларга қиёслаб бўлмайди. Унинг дастури партия қолипида эмас, балки партияга ва совет ҳокимиятига қарши тузилган.

Олдинги кўрсатмаларимда қайд этиб ўтганимдек, дастурий кўрсатмаларимиз ҳеч қаерда ёзма қайд этилмаган, уни ўзимиз ёддан билганмиз, суҳбатларимиз олдиндан белгиланган режа асосида бўлмаган. Биз ўз олдимизга ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялаб, миллатпарвар кадрлар тайёрлашни мақсад қилганмиз. Қачонки СССР дан Ўзбекистонни ажратиб олганимизда керак бўлиши учун Совет Иттифоқидан тўлиқ ажралиб чиқиш бизнинг бош мақсадимиз бўлган. Эсимда, гапларнинг бирида Боту шундай деган эди - “Биз ВКП (б) дан мустақил ўзимизнинг Ўзбекистон Коммунистик партиямизни тузмоғимиз лозим”. Бу бизнинг ташкилотни аксилинқилобий ташкилот эканини яшириш мақсадида айтилган фикр эди. Менинг фикримча, Ўзбекистон СССРдан ажралиб чиққач, буржуа-демократик Республикаси бўлиши керак.

Мустақилликка эришиш учун, бизнинг фикримизча, биринчи навбатда миллий давлатнинг тараққиётини таъмин этувчи миллий ғоялар билан қуролланган миллатпарвар кадрларни тайёрлаш лозим. Ҳокимиятни ўз қўлимизга олиш учун, уни ҳимоя қилиш учун ёшларни ҳарбий мактабларга кўплаб жойлаштириб, махсус ҳарбий билимлар олишига эришимиз лозим. Аҳолини ёппасига қуроллантиришни мақсадсиз деб билганмиз, чунки бу кураш нима билан якун топишни билиб бўлмайди. Ўзбек ёшларидан ҳарбий мутахассисларни кўпроқ тайёрлашдан мақсад, вақти келганда ҳокимиятни ўз қўлимизга керак бўлса ҳарбий тўнтариш йўли билан ҳам олишни кўзлаганмиз.

Шундай қилиб, қисқача қилиб айтганда, бизнинг ташкилот ўз олдига совет ҳокимиятини ағдариб, Ўзбекистонда буржуа-демократик Республикасини тузишни мақсад қилган эди” [1.38-39].

Ташкилот 1929-1930 йиллардаги ўзининг қисқа муддатли фаолияти давомида совет тузумига қарши тинимсиз кураш олиб борган. У, айниқса, давлат органлари ва зиёлилар орасида эътибор қозонган. Айниқса, ташкилот раҳбари Ботунинг нуфузи ниҳоятда кучли бўлган. “Ғайратлилар” ташкилоти ва унинг ғоявий раҳномаси Ботунинг сиёсий қарашлари ҳақида 1930 йил 15 июлда ОГПУ ходимларига ташкилот аъзоси Носир Саидов қуйидагича гувоҳлик берган:

“I. “Ғайратлилар” ташкилоти ва унинг раҳбари Боту ўз атрофига аксилинқилобий руҳдаги, миллатпарварлик кайфиятидаги кишиларни тўплаб олиб, Ўзбекистоннинг буржуа-демократик республикаси

сифатида мустақилликка эришишини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар. Совет давлатининг Ўзбекистонда узоқ яшай олмаслигига Боту атрофдагиларини ишонтирди. Бу ҳақда у шундай деган эди: “Фақат бугунни ўйлаб яшаб бўлмайди, эртанги кунни ҳам ўйлаб яшамоқ керак. Совет режимининг ўлкамиздаги бу мустамлакачилик сиёсати узоқ давом этиши мумкин эмас, у албатта ағдарилади (Бунга Польша мисол бўла олади. У ердаги миллатпарвар кучлар совет ҳокимиятини ағдариб, ўз мустақил давлатини тузишди). Биз бунга тайёр бўлишимиз даркор, ватан олдидаги бурчимизни сидқидилдан бажариб, Ўзбекистон мустақиллиги учун хизмат қилишга қодир ёшларни тарбиялашимиз лозим”.

II. Боту Ўзбекистон мустақиллигига эришиш учун миллий кадрларни тайёрлашни кучайтириш билан бирга, Ўзбекистонни хорижий давлатларга яхшироқ танитиш, тарғиб ва ташвиқ қилишга ундайди. Бу ҳақда у шундай деган: “Биз ўзимизни хорижда танитиш учун ташвиқотнинг барча формаларидан фойдаланишимиз лозим. Мана Берлинда чиқаётган талабаларнинг журналидаги Ўзбекистон ҳақидаги маълумотлардан сўнг Германия, Туркия, Эрон ва бошқа давлатларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортди. Бу мақсадни амалга оширишда биз Мустафо Чўқаев томонидан чиқарилаётган “Янги Туркистон” журналидан ҳам фойдаланса бўлади” деб, Боту “Бизда “Янги Туркистонни” аксилинқилобчи Чўқаев чиқаргани учун қоралашмоқда. Гап журнал бош муҳаррирининг совет ҳокимиятига қандай муносабатда эканлигида эмас, гап у Ўзбекистонга нима бераётганида, афсуски, совет ҳокимияти ушбу журнални ўқишни ва келтиришни таъқиқлаб қўйди, ёшларимиз ва зиёлиларимиз ўқий ололмаяптилар.”

Ўзбекистонни хорижда тарғиб ва ташвиқ қилишнинг яна бир йўли – Ўзбекистонда чиқаётган матбуот нашрларини хориж давлатларига тарқатиш, дейди Боту. Мана, “Маориф ва ўқитғувчи” журнали Туркияга жўнатилган эди. У ерда бизга қизиқиш ортди. Афсус, “Маориф ва ўқитғувчи”нинг Туркияга иккита нусхаси жўнатилади холос, кўпроқ жўнатиш лозим. Бошқа журнал ва газеталаримизни ҳам нафақат Туркия, балки бошқа хориж давлатларига ҳам чиқаришимиз керак. Қизил армиянинг бу ердаги кирдикорларини бошқа давлатлар ҳам билиши лозим дейди Боту” [1.26].

Шулардан келиб чиқиб, Носир Саидов ўз гувоҳлигига кўра, Боту Халқ Маорифи Комиссариати ходимларига қуйидаги кўрсатмаларни берган:

1. Мактабларга ўқувчиларни қабул қилишда ижтимоий келиб чиқишини ҳисобга олмаслик.

2. Мактабларда умумий билимлар билан бир қаторда ёшларни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътиборни қаратиш.

3. Ушбу мақсадларни амалга оширишда совет ҳокимиятига қарши ҳаракатларда қатнашган, мафкуравий ёт деб мактаблардан четлаштирилган, ёшларни миллий руҳда тарбиялай оладиган ўқитувчиларни қайта мактабларга жалб этиш.

4. Фаолиятни ўта яширин равишда олиб бориш, берилган кўрсатмалар асосида ҳаракатланиш лозим [1.27].

“Ғайратлилар” фаолияти, айниқса, маориф тизимида кучли бўлган. Буни Собир Қодировнинг ОГПУ ходимлари сўроқларига берган жавобидан билса бўлади:

“Ўз олдимизга қўйган мақсадга етиш учун бугунги кундаги асосий вазифа кўплаб миллий руҳдаги кадрларни тайёрлаш деб ҳисоблардик, уларнинг ёрдамида келгусида Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши мумкин бўлади деб билардик. Айни пайтда биз миллатчилик руҳидаги ўзбек жамоатчилиги Ғарбий Европа капиталистик давлатлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиши лозим деб ҳисоблардик”.

Миллий кадрлар тайёрлашга эришишда биз МХК аппаратидан, асосан, мактаб тизимидан кенг фойдаландик. Маориф Халқ Комиссарлигидаги маслакдошларимизга таяниб, унинг идорасини марказга айлантириб, аксилинқилобий миллатпарвар кайфиятдаги кучлар билан бирлашиб, мактабларда ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашга эришиш учун интилдик. Бунинг учун мактабларда миллий руҳда ёшларни тарбиялай оладиган ўқитувчиларни танлаб олдик. Шуни қайд этиш лозимки, бунга эришиш учун шунга мос тингловчилар ҳам бўлиши лозим эди, бунинг учун биз ўз йўриқномаларимизда мактабларга фақат маҳаллий миллат вакиллари (асосан ўзбеклар) болаларини қабул қилишни, синфийлик тамойилларига амал қилмасликни уқтирдик.”

Шу йўсинда биз МХК идорасидан ва унинг коллегиясидан ўзимизнинг миллатпарварлик фаолиятимизда қурол сифатида фойдаландик.

МХК бизнинг аксилинқилобий фаолиятимизни олиб боришда турли ташкилотлар таъқиб ва тазйиқидан ҳимоя қилувчи қўрғон эди. [1.39]

Собир Қодировнинг мана бу кўрсатмалари ҳам ниҳоятда муҳимдир:

“Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда олиб бораётган миллий сиёсати мустамлакачилик ҳарактерига эга бўлиб, чор ҳукумати олиб борган сиёсатнинг давомидир. Бундай сиёсат фақат бир миллат – рус миллатининг манфаатларига мос тушиб, маҳаллий миллат вакилларини эзишга хизмат қилади.

Масалан, Ўзбекистонда яшовчи европалик аҳоли учун яратилган шароитлар ниҳоятда яхши, маҳаллий аҳоли эса ниҳоятда оғир, паст шароитда яшамоқда.

Маданий соҳада ҳам маҳаллий аҳоли камситилмоқда. Масалан: Ўзбекистондаги европалик аҳолининг саводхонлиги 100%, маҳаллий миллатнинг саводхонлиги зўрға 20 % га етади. Бунга ўқишга қабул қилишда европалик аҳолига эътибор кучли бўлиб, маҳаллий аҳоли болаларига эътиборнинг камлиги сабабдир. (Мактабларга рус аҳолиси болаларининг 100% и жалб этилиб, маҳаллий аҳоли фарзандларининг 30 % га яқини жалб этилмоқда).

Маҳаллий миллат вакилларидан кадрлар тайёрлаш ҳам оқсамоқда. Олий ўқув юртларига қабул жараёнида ҳам маҳаллий миллат вакилларига турли тўсиқлар жорий қилинмоқдаки, натижада уларнинг сони олий ўқув юртларида жуда кам. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ўзбек тилини бу ерда яшаётган европаликлар ўрганишни хоҳламаяптилар. Маҳаллий миллат ишчиларига ёрдам бериш, касб ўргатиш у ёқда турсин, уларга раҳбарият ишончсизлик билан қарайди" [1.40]. Ўз фикрини давом эттириб Собиров айтади:

Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда олиб бораётган а) иқтисодий соҳадаги, б) миллий масаладаги, в) маданий қурилиш соҳасидаги сиёсатидан норозимиз.

Биз биламизки, Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиш учун етарли даражада табиий бойликларга эга. Ўзининг енгил ва оғир саноатини мустақил ривожлантириш учун товар миллий бойликлари етарли.

Совет ҳокимияти онгли равишда Ўзбекистон саноатини мустақил ривожлантиришга халақит бер+моқда, Ўзбекистоннинг бойликларини ташиб чиқиб кетиш учун хом ашё базаси сифатида ушлаб турмоқда. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон Россиянинг саноатини хом ашё билан таъминловчи мустамлака бўлиб қолмоқда. Ўзбекистоннинг барча ресурслари Ўзбекистон иқтисодиётига хизмат қилишини хоҳлаймиз [1.41].

Кўриниб турибдики, "Ғайратлилар" ташкилоти ўз олдига миллий ватанпарварлик руҳидаги замон талабларига жавоб берадиган миллий кадрларни тайёрлаш, уларни ҳокимият поғоналарига кўтариш орқали Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиқиш пайида бўлганлар. Бироқ ташкилот узоқ фаолият кўрсата олмади. 1930 йил 30 июнда навбатдаги гапга жамланган "Ғайратлилар" ташкилотининг аъзолари ҳибсга олинган. 1930 йил 15 июлдан 1 августга қадар улар устидан ОГПУнинг "Тройкаси" сўроқ суриштирув ишларини олиб борди [1.42]. Ташкилотнинг айрим аъзоларига 1933 йилда "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси деган қўшимча айблов ҳам қўйилиб, улар 1933 йил 31 мартда СССР Олий Суди томонидан турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм этилди [2.134-135].

Хуллас, "Ғайратлилар" ташкилоти ҳам ўзининг 2 йиллик фаолияти давомида ўлкада совет ҳокимиятини ағдариш ва миллий мустақил ҳокимиятни тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Ташкилот аъзолари мустақилликка эришишнинг асосий йўлларидан бири кадрларни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳокимият тизимларига кўтариш орқали совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга эришиш деб билдилар. Бироқ яширин равишда фаолият юритган бу ташкилот бошқа ташкилотлар қатори XX асрнинг 30-йилларида фош этилиб, қатағон домига тортилди. Шундай қилиб, совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати 1920-1930 йилларда мустақил, озод ва эркин Ватан орзусида яшаган миллатнинг фидойи вакилларидан яна бир гуруҳини маҳв этди.

Адабиётлар:

1. РОССИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АРХИВ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ. Фонд 62, опись 2, дело № 2199

2. Тарихнинг номаълум саҳифалари. Ҳужжат ва материаллар. Биринчи китоб.- Т.,2009

Андижон давлат университети,
20112 йил 4 январда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. И.Алимов)